БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 7 (17.885). • 9 январь 1981 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

1981 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИ — КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИГАН КУНГАЧА!

## ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ БИЛАН

Учқўрғондаги 38-автомобиль корхонасининг О. Қаюмов бошлиқ бригадаси янги йилнинг дастлабки кунларданоқ тежалган ёнилғи ҳисобига ишлай бошлади. Бу коллектив партиянинг бўлажак съезди шарафига зарбдор вахтада турib, қарийб 10 тонна бензин тежашга эришган эди. Бригада ҳайдовчилари КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача салкам 20 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиш ва янги беш йиллиқнинг биринчи квартал топшириғини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

## КЕЧА, 8 ЯНВАРДА...

ТАСС — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ЎзТАГ ХАБАРЛАРИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**КЎЧМА АГИТПОЕЗДЛАР**

ЧУВАШИСТОН АССРда партиямизнинг XXVI съездига тайёргарлик ишлари кун сайин кучаймоқда. Область шаҳар ва қишлоқларида кўчма агитпоездлар ташкил этилянти. «Съезддан съездгача» номли агитпоезднинг маршрути Чувашистоннинг кўпгина олис қишлоқлари бўйлаб ўтади.

Кўчма киноклублар, кутубхоналар, рассомлар асарлари қўйилган кўргазмалар ташкил этилмоқда. 400 га яқин агитбригада қишлоқ меҳнаткашлари учун янги программа тайёрлади. 46 мингдан знёд пропагандист ва агитатор КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини тушунтириб бериш юзасидан лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда.

**ЙИРИҚ СУВ ОМБОРИ**

СУЗОҚ РАЙОНИ (Қирғизистон ССР) ирригаторлари «Тендик» колхозидаги магистрал канали реконструкция қилиш ишларини тугалладилар. Улар бу билан йирик сув омборига обиҳаёт запасини ҳозирладилар.

Ирригация иншоотида замонавий дамбалар қурилди, ўзани бетон билан қопланди. Бу билан қўшимча суръатда минглаб гектар экинзор сув билан таъминланади. Республикадаги каналларнинг қарийб ҳар иккитасидан бири бетон билан қопланган.

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

**СЪЕЗДГА АТАБ**

ПОИТАХТИМИЗДАГИ СССР халқлари дўстлиги музейи ходимлари «Съезддан съездгача» деб номланган катта кўргазмани ташкил этишга киришдилар.

Кўргазманинг жуда кўп экспонатларида зарбдор ўнинчи беш йилликда республикамизда юз берган улуғвор ўзгаришлар ҳикоя қилинади. Социал-сиёсий, иқтисодий алоқалар, қишлоқ хўжалиги, саноат бўлимлари турли-туман экспонатлар билан безатилади. Меҳнат коллективлари эришган ютуқлар залварли рақамларда кўрсатилади.

**ЯНГИ СУТ ЗАВОДИ**

НАВОИЙ ШАҲРИДА барпо этилган янги сут заводи бир сменада 30 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда ширин-шакар қаймоқ, сузма ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

**УНУМДОРЛИК ОШИРИЛАДИ**

НАМАНГАН нотўқима материаллар фабрикаси территориясида янги цехнинг корпуси қад кўтарди. Бу ерда ўрнатилган икки агрегат ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати янада ошади. Корхона коллективи ўн биринчи беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар оширишни мўлжалламоқда.

### ЖАҲОН БЎЙЛАБ

▲ **ЛАОС**

ЛХДР давлат ҳокимиятининг олий органи — Олий халқ мажлисининг Вьентьянда очилган сессияси ўтган йиллар мобайнида қилинган ишларни якунлаши, республикани социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини кўриб чиқиши ва тасдиқлаши лозим.

▲ **ПОЛЬША**

Варшавада Польша—Совет дўстлиги жамияти бош правлениесининг ялпи мажлиси бўлди. У шу оммавий ташкилотнинг мамлакатдаги социалистик қурилиш ҳозирги босқичидаги вазифаларга бағишланади.

▲ **ЭФИОПИЯ**

Мамлакатда телефон тармоғини ривожлантириш беш йиллик плани муваффақиятли бажариб бўлинди. Шу мақсадлар учун беш йил мобайнида ҳамма маси бўлиб 125 миллион бир миқдорида маблағ сарфланди.

# ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

*Сўз — илғор чорвадорларга*

## ЧАШМА

▲ Фермалар, комплексларда соғин сигирлар сонини кўпайтирайлик. Ҳар бош сигирдан 5—6 минг килограммдан сут соғиб олишга эришайлик. Ҳар 100 бош сигирдан 100 тадан бузоқ олинишини таъминлайлик!

▲ Қиш фаслида ем-хашакдан оқилона фойдаланайлик, исроф бўлишига йўл қўймайлик, самарадорлигини оширайлик! Қорамолларни сервитамин озуқалар билан боқайлик!

▲ Ҳамма жойда чорвачилик соҳасидаги ишларни комплекс механизациялашга эришайлик! Фермалар, комплекслар, ёрдамчи хўжаликлар учун малакали чорвачилик мутахассислари ва техника кадрлари тайёрлайлик!

Колхозимиз сут-товар фермаси райондагина эмас, областда ҳам илғор тажриба лабораторияси бўлиб қолди. Яқинда район партия комитети сут соғувчиларнинг тажриба-алмашув семинарини бизнинг фермамизда ўтказганлигига сабаб ҳам шу. Семинарда мен ўз тажрибаларим тўғрисида ҳамкасбларимга ҳикоя қилиб бердим.

Сут соғувчи бўлиб ишлай бошлаганимга йигирма йиллан ошди. Касбимга меҳр қўйганлигим, куч-ғайратимни аямай ва машаққатдан ҳайиқмай ёзин-қишин фермада ҳалол меҳнат қилаётганлигим туфайли ҳурмат ва обрў қозондим, кўксимни Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар безади.

Мақтаниш бўлмасин-у, сўзим устилан чиқмаган вақтим йўқ, ҳамиша ваъдага вафо қилиб келмоқдаман. Мана, сарҳисоб вақти келди. Жонажон партиямиз XXVI съезди арафасида фақат йилнинг якунлари ҳақидагина эмас, балки беш йиллик режалар қандай рўёбга чиққанлиги тўғрисида ҳам гап юритиш қонуний ҳолдир.

Аввало колхозимизда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш беш йиллик план-топшириқлари қандай бажарилганлигига доир баъзи рақамларни келтириб ўтаман. Беш йил мобайнида планда кўзда тутилган 742 тонна ўрнига 870 тонна гўшт, 5270 тонна ўрнига 6623 тонна сут, 869 мингта ўрнига бир миллиондан кўпроқ тухум етиштирилди.

Беш йилликнинг якунловчи йилида планда белгиланган 118 тонна ўрнига 216 тонна гўшт, 1200 тонна ўрнига 1800 тонна сут, 190 мингта ўрнига 300 минг дона тухум етиштирилиб, план топшириқлари ортиғи билан адо этилди. Давлатга гўшт сотиш плани 168 процент, сут 181 процент бажарилди, яъни эл дастурхонига 714 тонна ўрнига 1295 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди. 1979—1980 йилда чорва қишловини намунали ўтказганлиги ва юқори маҳсулдорликка эришганлиги туфайли колхозимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Жилғалардан дарё ҳосил бўлганидек, ҳар бир соғувчининг қўшган ҳиссасидан сут чашмаси мавжланади. Бугун мен: «Беш йиллик режаларим амалга ошди!» — деб Ватанга шахсий рапорт бера оламан. Беш йил ичида ўз боқимимдаги 35 бош сигирдан 818 тонна сут соғиб олдим. Бу — ўрта ҳисобда ҳар сигирдан йилига қарийб 4700 килограмм сут олинди демакдир. 1976 йилда боқимимдаги ҳар бир сигирдан 4027 килограмм сут соғиб олган бўлсам, 1980 йилда бу кўрсаткични 5503 килограммга етказдим. Мен билан елкама-елка меҳнат қилаётган касбдошларим Рахима Оллошукурова, Пошшо Ибодуллаева ва Сўнахон Сабировалар ҳар бир сигирдан беш минг килограммдан сут соғиб олиб, беш йиллиқнинг якунловчи йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этдилар.

Қандай қилиб сутни кўпайтиришга эришаётганлигимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, энг аввало чорва моллари учун барқарор озуқа базаси вужудга келтирилганлигини айтиб ўтишим керак. Биз давлат ажратадиган фондга кўз тикиб ўтирмаймиз. Хашак, ширадор озуқа етарли, ем учун дон ўзимизда етиштириляпти. Алмашлаб экишни ўзлаштириш, экинларни қўшиб экиш ва оралиқ экинлар экиш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ем-хашак тайёрлаш ва қайта ишлаш технологиясини жорий этиш асосида йил бўйи етарли миқдорда озуқа фондига эгамиз.

Колхозимизда 316 гектар беда, 142 гектар маккажўхори майдони бор, 15 гектар ерга хашаки лавлаги экилди. Ҳар гектар майдондан 650 центнер маккажўхори қўкпояси, 85 центнер маккажўхори дони, 1000 центнер хашаки лавлаги йиғиб олинди. Қишловга 4600 тонна дағал хашак, 1600 тонна беда пичани, 150 тонна витаминли ун ғамлаб қўйилди, 5674 тонна маккажўхори силоси, 2072 тонна беда сенажи бостирилди. Тайёрланган озуқа икки йилга етади.

Фермамизда 450 бош сигир соғилади, улардан 450 бузоқ олганмиз. Яна юз бош сигир олинди, энди 550 бош сигиримиз бор. Ем-хашак тайёрлаш цехи, ўт талқони ва донадор озуқа тайёрлайдиган агрегат, сут соғиш агрегати бенуқсон ишлаб турибди. Сигирларга сифатли, тўйимли озуқаларни рацион бўйича бериб, қиш фаслида ҳам сут кўпайтиришга эришмоқдамиз. Мен ўзим ҳар бир сигирдан кунига 15—16 килограмм сут соғиб олаётирман. Сутнинг мойлилиги ва сифати юқори бўлиши таъминланяпти. Ҳар бир сигирдан 6 минг килограмм сут соғиб олишга сўз бердим. Сўзим устидан чиқиш учун астойдил курашмоқдаман.

Колхозимиз чорвадорлари СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳасидан руҳланиб, КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдираётирлар. Калинин, Чиноз, Бахмал, Бузатов ва бошқа қатор ташаббускор районлар талбирлари ишлаб чиқилди. 1981—1985 йилларда гўшт ва сут етиштиришни икки баравар, тухум етиштиришни уч баравар кўпайтириш — қатъий аҳдимиздир. Ўн биринчи беш йилликда минг сигирга мўлжалланган сут-товар комплекси ишга туширилди.

Биз ўн биринчи беш йилликка қувончли якунлардан мамнун ҳолда қадам қўйдик. Барча тармоқлар комплекс ривожланмоқда.

Партиямиз бизни ишлаги ютуқларга ҳам, камчиликларга ҳам холис ва тўғри баҳо беришга, асосий эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, етилган масалаларга қаратишга ўргатиб келмоқда. Эндиликда чорвачиликни ҳам пахтачилик сингари жадал ривожлантириш, бу тармоқнинг рентабеллигини таъминлаш вакти келди. Шунга эришайликки, чорвачиликда битта ҳам колоқ хўжалик бўлмасин. Чорвачилик маҳсулдорлиги тинмай ошиб, маҳсулот таннархини камайиши таъминлансин.

Мен ҳамкасбларимга мурожаат қилиб, сут чашмасига барака киритиш, сигирларни тўқ, соғлом қишловдан чиқариш ва маҳсулдорлигини ошириш, айниқса, ёш бузоқларни жуда авайлаб асрашга даъват этаман. Чорвадорлик касбини шавкатли меҳнатимиз билан улуғлайлик, КПСС XXVI съездини янги меҳнат зафарлари билан нишонлайлик!

**Розия МАТЕҚУБОВА,**
**Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз сут соғувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор.**

## 1982 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, комсомол Заргул Хушназарованинг Ангор районидаги «Толлимаржон» совхозида ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Ёш чорвадор ўзининг ишчанлиги, меҳнатсеварлиги билан бунга эришган. З. Хушназарова ўз боқимидаги 40 бош сигирни меҳр билан парвариш қилмоқда. Шунинг учун ҳам сигирларнинг ҳар биридан йилига 3600 килограммгача сут соғиб олишга эришиб келаётир. Донгдор сут соғувчи ўнинчи беш йиллик давомида топшириққа нисбатан 110 тонна кўп сут етказиб беришга эришди. Ҳозирда у 1982 йил ҳисобига маҳсулот топшираётир.

«Толлимаржон» совхозида чорвачилик йил сайин ривожланиб бораётир. Бу ерда сигирлар сони тобора кўпаймоқда, зоти яхшиланиб бормоқда. Шу билан бирга, сигирлардан сут соғиб олиш ҳам кўпайиб боряпти. Бу ерда ўтган йили ҳар бош сигирдан пландаги 2800 килограмм ўрнига 3 минг килограммдан сут соғиб олинди. Совхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йиллиқда бундан ҳам яхши натижаларга эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) совхознинг илғор сут соғувчиларидан Зулхумор Раймқулова, Заргул Хушназарова, Марям Йўлдошева ва Роҳатой Соиповалар.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

## ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

**ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1981 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб 1980 йилда пландан ташқари 70.520 тонна минерал ўғит, 10.400 тонна аммиак ишлаб чиқардилар. Беш йил ичида давлат Сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан ҳам зиёд кўпайди, мамлакатда капролактам ишлаб чиқарувчи энг катта комплекс ишга туширилди.

**Чирчиқ химиклари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, шу Пленумда Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда кўрсатилган ва КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди лойиҳасида белгиланган вазифаларга асосланиб, 1981 йил учун зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:**

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган йиллик план муддатидан илгари — 27 декабргача бажарилди ва капролактам комплекси қувватини ўзлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 54,2 процент кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигининг 37,4 процент ўсишига эришилади ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг 95 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъминланади. Пландан ташқари 10 минг тонна аммиак, 40 минг тонна минерал ўғит, шу жумладан 1981 йил ҳосили учун 25 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади ва пландан ташқари 300 минг сўм фойда олинади. **КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача пландан ташқари 1500 тонна аммиак, 6 минг тонна минерал ўғит ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.** Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 31,5 процент кўпайтирилади.

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириб борган ҳолда капролактам ишлаб чиқарувчи қувватлар нормадаги муддатлардан 15 кун барвақт ўзлаштирилади. Янги техника ва технология бўйича бир йилда 500 минг сўм тежаладиган 27 хил тадбир жорий этилади. Иқтисодий самараси 380 минг сўмга борадиган камида 450 та рационализаторлик таклифлари ва ихтиролар жорий этилади.

Камида 15 миллион киловатт-соат электр энергияси, 5 минг гигакалорий иссиқлик, 300 тонна шартли ёқилғи, 100 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежалади. Иккиламчи энергия ресурслари ва чиқитлардан фойдаланиш ҳисобига 800 минг гигакалорий буғ ҳосил қилинади, 20 миллион кубометр табиий газ тежалади.

1855 кишининг малакаси оширилади ҳамда иккинчи хил касб ва ҳунарларга ўргатилади. 520 нафар янги ишчи тайёрланади, бирлашманинг 1700 ходими сиёсий ва иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

Коллективнинг социал тараққиёт комплекс планини амалга ошира борган ҳолда камида 6500 квадрат метр саҳнли уй-жой фойдаланишга топширилади, кунига 500 кишини қабул қиладиган поликлиникаси бўлган 240 ўринли касалхона комплексини қуриш давом эттирилади, пионерлар лагерини реконструкция қилишга киришилади.

**«Электрохимпром» бирлашмасининг коллективи республиканинг барча химикларини КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга, ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этади.**

Мажбуриятлар «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари меҳнаткашларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

(ЎзТАГ).

## ЧОРВАЧИЛИК ХАБАРЛАРИ

**МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ**

**Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхози чорвадорлари яхши семиртирилган қорамолларнинг дастлабки туркумини гўштга топширдилар.**

Шуниси қувончлики, гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача вазни ўтган йилдагидан 20 килограмм кўп тош босди.

Ем-хашак мўл-кўллиги бундай муваффақиятнинг гарови бўлди. Чорвадорлар сўқимга боқилаётган қорамолларни қатъий рацион асосида озиқлантиришаётир.

Колхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтиришга қарор бердилар.

**ЯНГИ ТАРМОҚ**

**Сарноснё районидаги энг йирик пахтакор хўжалик — «Коммунизм» колхозида яна бир янги тармоқ — балиқчилик ташкил этилмоқда.**

«Сурхангидрострой» трестига қарашли Узун механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари биринчи сунъий кўлни тахт қилиб қўйдилар. Жами учта шундай кўл барпо этилиб, уларнинг умумий майдони 100 гектарга етказилади. Айни пайтда омборхоналар ва балиқ хўжалиги ходимлари учун уй-жойлар қуриш кўзда тутилган.

Кўлларга сув Сурхондарёсидан оқизилади. Балиқ хўжалигининг биринчи навбати май ойида ишга туширилади. Барча қурилиш ишлари эса шу йилнинг охирида ниҳоясига етказилади.

**НАСЛЧИЛИК КОМПЛЕКСИ**

**Ургутдаги зотдор сигирлар боқиладиган колхозлараро комплекс Ургут ва Самарқанд районлари хўжаликларидан бузоқлар қабул қила бошлади.**

Бу ерда жониворлар цех системасида парвариш қилинади. Комплексда боқилган зотли сигирлар хўжаликларга сотилади.

Колхозлараро комплекс 6 минг қорамол боқишга мўлжалланган. Унда 12 та механизациялашган корпус бор.

**МУСОБАҚА ШАРОФАТИ**

**Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилган Тошкент районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари қабул пунктларига 41 тонна гўшт етказиб бериб, дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Гўштга топширилган ҳар бош қорамол 473 килограмм тош босди.**

Чорвадорлар бу муваффақиятга қорамолларни сўқимга боқиш ҳисобига эришдилар. Молбоқарлар навбатда гўштга топшириладиган новосларни яхши боқишяпти. Озуқа рациони асосида боқилаётган қорамоллар кун сайин семириб, этига эт қўшилаётир.

## АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АНДИЖОН, 8 январь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда XVIII Андижон область партия конференцияси иш бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов обком номидан ҳисобот доклади қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Ю. А. Томак иштирок этмоқдалар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика давлат статистикаси органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Валентина Ивановна Гладкованни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози, Чуст районидаги Энгельс номли, Задарё районидаги «Гигант», Тўрақўрғон районидаги Калинин номли ҳамда Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозлар пахтачилик бригадаларининг аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларида чорвачиликни тобора ривожлантириш юзасидан ташаббусини маъқуллади. Ташаббускор бригадаларнинг матбуотда эълон қилинган очиқ хатини ўз коллективимизда ўқиб ўрганиб, конкрет тадбирлар белгиладик. Чиндан ҳам шахсий хўжаликларда чорвачиликни ва паррандачиликни ривожлантириш давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишлардан биридир.**

*Наманганлик пахтачилик бригадалари бошлиқларининг очиқ хатига жавобимиз*

## ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Бу хатни ўрганар эканмиз, хўжалигимизда ва бригадамизда пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ҳам ривожлантириш ўз қўлимизда эканини сезиб олдик. Шахсий хўжаликларда чорвачилик ва паррандачиликни тараққий эттириш натижасида кўплаб маҳсулотлар олиш мумкин. Шу билан бирга биз деҳқончилик учун энг керакли бўлган маҳаллий ўғит ҳам сероб бўлади. Маҳаллий ўғитга тўйдирилмаган ердан мўл ҳосил олиш қийинлиги ҳаммага маълум.

Бригадамиз деҳқонлари ҳар йили колхоз фермаларидан ташқари хонадонларда ҳам кўплаб маҳаллий ўғит жамғариб пахта майдонларига солиб келишмоқда. Бу ҳосилдорликнинг тобора ошишига сабаб бўлаётир. Чунончи, аввалги йили мавжуд 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил олган бўлсак, 1980 йилда ҳосилдорлик 72 центнерга кўтарилди.

Биз хонадонларда боқиладиган моллар ва паррандаларни етарли миқдорда озуқа билан таъминлаб боришга алоҳида эътибор бераётирмиз. Колхоз правлениеси кузда 100 гектар майдонга беда ва жавдар уруғини сепиб қўйишга қарор қилган эди. Бу иш муваффақиятли бажарилди. Шунингдек, Нўратепа массивидан янги ер очиб, шундан 100 гектарига маккажўхори экмоқчимиз. Колхоз правлениеси мазкур майдонларда етиштирилган озуқаларнинг 10 процентини колхозчиларнинг хонадонида боқиладиган чорва молларига беришга қарор қилди.

Хўжалигимиздаги 50—60 процент колхозчи молли ва қўйлидир. Колхоз правлениеси ҳамма хонадонларда қорамоллар ва қўйларнинг кўпайтирилишига эътиборни қаратмоқда. Хонадонларда боқилган молларнинг бир қисми давлатга топширилади.

«Шахсий томорқа хўжаликларида мол боқишнинг ёшлар ва болалар учун тарбиявий аҳамияти бор деб биламиз», дейилади очиқ хатда. Биз бунга тамомила кўшиламиз.

Колхозимиз ва бригадамиз аъзолари хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш билан бирга эл-юрт маъмурчилигига ўзларининг ҳиссаларини қўшаверадилар.

**Чорибобо ЙЎЛДОШЕВ.**
**Самарқанд область, Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери.**

# ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

*Бизнинг таклифимиз*

## МУСОБАҚА АСОСИДА

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини колоннамиз бинокорлари зўр қувонч билан кутиб олишди. Мамлакатимизда қурилиш ишлари кўлами тобора кенгайиб, суръат тезлашиб бормоқда. Буни биз ўз районимиз мисолида яккол кўриб турибмиз.

Қишлоқларимиз йил сайин кўркам тус олиб, ҳам энига, ҳам бўйига ўсмоқда. Хуторлар ўрнида посёлка типидаги социалистик қишлоқлар тикланяпти. Бунда, шубҳасиз, колхозлараро механизациялашган кўчма колоннамиз коллективининг муносиб ҳиссаси бор.

Районимиз хўжаликларида съездган съездгача ўтган давр мобайнида колоннамиз кучи билан бош пудрат бўйича пландаги 14 миллион 200 минг ўрнига ўн тўрт ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 130 хўжалик учун замонавий турар-жой бинолари, 60 ўринли шифохона, 17 та типовой дала шийпони, 930 ўринли болалар боғчаси, 3025 ўринли мактаб, 1000 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси, 1500 дона техника воситалари учун механизация парки ва бошқа бир қанча маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Бу, шубҳасиз, партия ва ҳукуматимизнинг капитал қурилишни тубдан яхшилаш, маблағлар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватлари билан бирга уйжой, маданий-маиший биноларни қурилишига доимий ғамхўрлиги шарофатидир. Бугун бу ғамхўрликни ўн биринчи беш йилликнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида яна бир карра кўриб турибмиз.

Лойиҳада **«Қурилиш ишлаб чиқаришнинг индустриал даражаси ҳамда қурилиш конструкциялари ва деталларни заводда ишлаб чиқариш даражаси оширилсин, янги самарали конструкциялар қўлланиш кенгайтирилсин. Қишлоқ районларида маҳаллий бинокорлик материалларидан тўлароқ фойдаланилсин»**, деб таъкидлаб ўтилган. Бу, биз қишлоқ қурувчиларининг асл муддаомиздир. Айни пайтда биз бу сатрлар **«материаллар таъминотидаги узилишларга чек қўйилсин, қурилишларга оталик ёрдами масъулияти кучайтирилсин»** деган жумлалар билан тўлдирилишини ҳам таклиф қилардик.

Негаки, баъзида шундай ҳоллар бўладики, объектда ишчи кучи, транспорт, механизация сингари омилларнинг ҳаммаси етарли бўла туриб, бинокорлик материаллари таъминотида етишмовчиликлар учрайди, иншоот қурилишини оталиққа олган ташкилотлар ўз масъулиятини унутиб қўйишади. Натижада, қурилиш-ўз-ўзидан чўзилиб ётаверади. Планлар бажарилмайди, меҳнат интизоми бўшашиб кетади, қўнимсизлик ҳоллари рўй беради.

Колоннамиз бинокорлари янги беш йилликда ҳам Асосий йўналишлар лойиҳасида қайд қилинганидек, олдиндан белгилаб олинган ишлаб чиқариш планлари асосида қурувчилар ўртасида социалистик мусобақани тобора ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, тежамкорлик режимини амалга ошириш, планларни тўла ва ортиғи билан бажариш борасида янги-янги ютуқларни қўлга киритаверадилар.

**Асқарали ҲОЖИМИРЗАЕВ,**
**Наманган область, Уйчи районидаги колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи.**

— Корхонамиз коллективи КПСС XXVI съезди очиладиган кунга қадар 1981 йил биринчи кварталнинг планини бажаришга аҳд қилган. Бу қутлуғ ниятга йўлида олиб борилаётган курашда менинг ҳам ҳиссам бор,— дейди Шаҳрисабз бадиий буюмлар фабрикасининг илғор гиламдўзи Дилором Ашурова. — Айни кунларда кунлик топшириғимни 130—140 процентдан ado этяпман.

Суратда: мусобақа пешқадами Дилором Ашурова.
Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

СИФАТНИ БОШҚАРИШ

## БОШ МЕЗОН

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида шундай сатрлар бор: «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳамма турлари сифати анча яхшилансин... Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ялпи ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи муттасил кўпайтирилсин. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системалари ҳамма жойда жорий қилинсин». Автомобиль йўллари қурилишида сифатни яхшилашнинг энг муҳим бўғини эса йўл қурилиши материаллари, аввало, асфальт-бетоннинг сифатини ошириш катта аҳамиятга молликдир. Чунки, ана шугина пировард натижада бунёд этилган йўллар ҳамда сунъий иншоотларнинг пишиқ-пухталигини ва узоқ муддат ишлашини таъминлайди.

Республикамиз йўлсозлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва асрашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини гоят мамнунлик билан кутиб олдилар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг навбатдаги ғамхўрлигига жавобан зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги ана шу қарорни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ҳар томонлама жорий қилиш, иш сифатини янада яхшилаш ҳамда саноат маҳсулотларини аттестациядан ўтказишга қаратилган бутун бошли ишлар комплексини ишлаб чиқди. Мазкур планлари бўлимлардан бирини сифатни комплекс бошқариш системасини яратиш ҳамда жорий қилиш ташкил этади.

Министрлигимизга қарашли саноат корхоналарида сўнгги йиллар мобайнида сифатни комплекс бошқариш системасининг бир қатор кичик системалари, яъни маҳсулотларни давлат аттестациясидан ўтказиш, ишлаб чиқаришни метрологик жиҳатдан таъминлаш, сифатни даборатория усулида назорат қилиш каби системалари жорий қилинди. Шунинг натижасида йўлларни, кўприкларни сифатли қуриш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг пишиқ-пухталигини, сифатини ошириш соҳасида анчагина ташкилий, техникавий ва амалий ишлар ўтказишга муваффақ бўлинди.

Транспорт воситалари ҳаракатининг тобора ошаётганлиги ҳамда уларнинг йўлларга босими кучаяётганлиги муносабати билан капитал қопламали йўллар қурилишини кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун республикамизда территориал асфальт-бетон заводлари шохобчалари яратилдики, улар автомобиль йўллари қурилиши учун асфальт-бетон қоришмаларини керакли миқдорда етказиб бермоқда. Яна бир муҳим томони шундаки, автомобиль йўлларидаги сунъий иншоотлар фақат капитал типдаги йигма темирбетондан қурилаётганлиги иш унумини оширмоқда. Учинчиси эса янги, замонавий йўл қурилиши техникасидан ва автоматлашган асбоб-ускуналардан кенг қўламда фойдаланиётганлидир. Масалан, асфальт-бетон заводларида МГ-1 қурилмалари Д-597-А қурилмалари билан тўла алмаштирилди. Д-710 автогрейдерлари ва «Супер-204» асфальт ётқизгичларини қўллаш меҳнат унумдорлигини ўстириш билан бирга иш сифатини оширмоқда ҳамда қопламаларнинг бир текис чиқишини таъминлаётир. Бундан ташқари 15, 18, 24 ва 33 метр узунликдаги турли плиталар; ходаларни тайёрлаш ўзлаштирилиб, улар кўприк конструкцияларини яратишда катта самара бераётир. Юзаси нур қайтаргич йўл белгиларини ишлаб чиқариш ҳам бошлаб юборилди.

Иш сифатини яхшилашда йўл қурилиши сифатини янада ошириш учун ҳар йили ўтказиладиган кўрик-конкурслар катта роль ўйнаяпти. Уларда йўл хўжалигида банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг қарийб 80 процента ёки 15 минг нафардан знёд кишининг иштирок этаётганлиги фикримизга далил бўла олади. Кўрик-конкурс якунларига кўра, ҳар йили голибларга мукофотли ўринлар ва пул мукофотлари берилади. Чунончи, Қўйлиқдаги кўприкбоп темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган экспериментал завод, 2-йўл қурилиш бошқармаси, «Узмостострой» трестига қарашли 14, 18 ва 30-кўприк-соялик бошқармалари, Наманганда 12-йўл қурилиш бошқармаси коллективлари кўрик-конкурс дипломларига сазовор бўлди. Яқинда эса Бутуниттифоқ конкурси якунларига мувофиқ Қўйлиқ заводи СССР Қурилиш ишлари давлат комитети, Фан-техника жамиятлари Марказий Совети, Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитети ва СССР Архитекторлар союзи дипломи билан тақдирланди.

Маълумки, буюмлар сифатини оширишда уларни ўз вақтида аттестациядан ўтказишнинг роли беқиёсдир. Учинчи беш йиллик мобайнида тармоқда 30 хилдан знёд турли буюм ва материал давлат аттестацияси комиссияси ихтиёрига қўйилди. Булар орасида Қўйлиқ заводининг 25 хилга яқин темирбетон конструкциялари, кўприкбоп ходалари, тўғри бурчакли қувурлари, қозиқлари ва бошқа хил буюмлари бор. Булардан ташқари, республикамиздаги 15 га яқин асфальт-бетон заводининг асфальт-бетон қоришмалари, майдаланган тошлари ва қумлари, Янгийўл районидаги экспериментал ремонт-механика заводининг нур қайтаргич плёнкали йўл белгилари 1-сифат категориясига лойиқ деб топилди. Умуман олганда, тармоғимизда тайёрланаётган жами маҳсулотларнинг 70 процентдан кўпроғи биринчи сифат категориясига эга. Қўйлиқ заводида ишлаб чиқарилаётган уч хил буюмнинг биринчи марта давлат Сифат белгисига сазовор бўлганлиги катта муваффақият ҳисобланади.

Сифатни яхшилаш учун курашиш бу, вақтинчалик кампания бўлмай, балки изчил ва муntазам суръатда амалга ошириш зарур тадбирлар комплексидир. Буни яхши англаган «Узоргтехдорстрой» трести сифатни яхшилашни таъминловчи барча хизмат бўлинмаларини ташкил қилди. Булар: лаборатория, стандартлаштириш, метрология, саноат маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва аттестациядан ўтказиш хизматларидир. Дастлабки натижалар чакки эмас. Юқорида қайд қилинган хизмат бўлинмалари министрликка ва унинг корхоналари ҳамда ташкилотларига йўл қурилиши сифатини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг техникавий даражасини ўстиришга ёрдам берадиган рецептлар тайёрлашда муntазам кўмак бераётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев никобий тажрибалари ҳар томонлама ардоқлаш ҳамда уларни кўпчилик мулкига айлантириш зарурлигини яна таъкидлаб ўтди. Мутахассисларимиз ана шунга амал қилиб РСФСР, Украина ва Белоруссия ССРдаги автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрликларининг илғор корхоналари ва ташкилотларида сифатни бошқариш комплекс системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасидаги бой тажрибани ўрганиб қайтдилар. Ҳозирги пайтда тармоғимизда корхоналарнинг 20 дан ортиқ стандарти ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти тасдиқланди ва жорий этишга тайёргарлик кўрилляпти. Бу тадбир янги беш йилликда поёнига етказилиши керак. Шунинг учун мен Асосий йўналишлар лойиҳасидаги, ҳамма жойда сифатни бошқариш комплекс системаси жорий қилинсин, деган сатрлардан сўнг: **«Ўн биринчи беш йилликда саноат ва бинокорлик индустриясининг барча тармоқларида метрология лабораториялари ташкил этилсин»**, деган сўзларни кўшиб қўйишни таклиф этаман. Фикримча, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати кўпинча метрология хизматининг фаолиятига, ўлчов воситаларининг пишиқ-пухталигига боғлиқ.

Ҳа, бошқаришнинг комплекс системаси асосларини жорий қилиш — йўллар ва кўприклларни аъло сифат билан бунёд этишга имкон беради, уларнинг пишиқ-пухталиги ва чидамлилигини оширади.

**М. ФЕЛЬДМАН,**
**Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг «Узоргтехдорстрой» трести бош метрологи.**

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қиламиз

## БОҒЛАР—БОЙЛИГИМИЗ

*КИРОВ НОМЛИ АГРАР-САНОАТ КОМБИНАТИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН*

Тушлик маҳалида Урмонжон Абдурахимов раҳбарлик қилаётган бўлимда бўлдим. Бир гурух ишчилар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси ҳақида ўзаро суҳбатлашиб ўтиришган эди.

— Лойиҳада қилинадиган ишлар бирма-бир ёзиб қўйилган, — деди бўлим бошқарувчиси Урмонжон Абдурахимов, — унда дилимиздаги гаплар айтилган: «Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳаки 13—16 процент кўпайтирилсин ва унинг даражаси беш йиллик охиригача 190—195 сўмга етказилсин».

— Бу гап бизга ҳам таллуқли, — деди бригада бошлиғи Қодиржон Сатторов суҳбатга аралашиб. — Биз бу ғамхўрликка амалий иш билан жавоб берамиз...

Асосий йўналишлар лойиҳасида саноат типидаги боғроғларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Урмонжон Абдурахимов суҳбат охирида лойиҳанинг ана шу моддасини коллективга ўқиб берди.

«...Саноат типидаги янги боғ-роғлар ва узумзорлар бунёд этиш ишлари ва мавжуд боғ-роғларни реконструкциялаш ишлари давом эттирилсин. Боғлар ва токзорларнинг нави ва сифати яхшилансин, мева дарахтларининг қишки сортлари салмоғи оширилсин. »

Боғдорчиликка иқтисодий тирилган совхозимиз КПСС XXV съездидан сўнг аграр-саноат бирлашмасига, кейин эса аграр-саноат комбинатига айлантирилди. Етиштирилган мева, узумимизни ўзимиз қайта ишлай бошладик. Боғдорчиликда саноат негизини вужудга келтириш социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг порлоқ эртаси, нурли истиқболидир. Биз бу борада анча тажриба тўпладик.

Бўлим коллективи ўнинчи беш йилликда эл дастурхонига 1641 тонна мева етказиб бериб, планни ортиғи билан бажарди. Ҳар гектар боғдан 120 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Шу бўлимнинг Қодиржон Сатторов, Николай Ушков бошлиқ бригадаларида ҳар гектар боғдан 130—150 центнердан хирмон кўтарилди. Янги беш йилликда бўлимда мева етиштиришни янада кўпайтириш талаблари белгиланди...

Асосий йўналишлар лойиҳаси комбинатимизнинг барча бўлимларида, бригадаларида ана шундай зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганилмоқда. Лойиҳа ғояси ҳар бир ишчи, ҳар бир боғбон онгига сингдирилмоқда.

Комбинатимиз коллективи партия кўрсатган йўлдан бориб, янги-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Ўтган беш йилликда боғ ва токзорларни 2000 гектарга кенгайтирдик. Мева, узум етиштириш ва давлатга сотиш бўйича беш йилликка белгиланган план ва мажбуриятларимизни ортиғи билан ado этдик.

Қишлоқда саноат негизининг барпо этилиши уюшган, актив ишчилар синфининг вужудга келишини таъминлади. Бу эса қишлоқ ва посёлкаларимизнинг маданий ҳаётида туб бурилиш ясамоқда. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларнинг йўқолишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир фойдали томони шундаки, илгарилари комбинатимиз территориясидаги ўрта мактабларни битирган ёшлар ўқиш ва ишлаш учун шаҳарларга жўнаб кетардилар. Энди улар ўз корхоналарида колиб ишламоқдалар. Фақат посёлкамиз ёшларигина эмас, балки яқин атрофдаги колхозлардан ҳам йигит ва қизлар келишиб, заводларимизда ишламоқдалар. Боғбон, сабзавоткор тайёрловчи ҳунар-техника билим юртимизда таълим олаётирлар.

Комбинатимизда чорвачилик ҳам ривожланган. 400 бош қорамолга мўлжалланган чорва комплекси қурдик. Гўшт, сут, тухум етиштириш йил сайин кўпайиб бормоқда. Ғаллакорларимиз 632 гектар майдонда деҳқончилик қилишади.

Комбинат ишчиларининг турмуш шароитини яхшилаш соҳасида ҳам кўп ишлар қилдик. Ўтган беш йил мобайнида ҳар бири 140 ўринли 4 та болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб, 400 ўринли касалхона, 20 минг квадрат метр турар жой қурдик. Тоғ ёнбағридаги хушманзара жойларда ишчиларимиз учун дам олиш зонаси барпо қилинди. Ўз пионер лагеримиз бор. Маданият саройи, ёзлик, қишлик кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, чойхона, ҳаммом, аптека ҳамкишлокларимиз хизматида.

Келгусида қиладиган ишларимиз аниқ. Биз янги беш йилликнинг охирига бориб, йилига 15 минг тонна мева, 10 минг тонна узум етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Ўзимизда боғ қилинмаган ер йўқ. Шунинг учун Калинин адирида 1000 гектар боғ, 1000 гектар токзор барпо этамиз. Бу ерлари лимонзорларимизни кенгайтирамиз. Йилига 1000 тонна қурук мева тайёрлаймиз. Адирлар бағрида битта лимон етиштирадиган совхоз, битта узумчилик совхози тайёрлаб берамиз.

Саноатлашган боғ-роғларни кенгайтириш, мева, узум, сабзавот етиштиришни кўпайтириш, уларни қайта ишлашда юқори кўрсаткичларга эришиш, самарадорликни янада ошириш чораларини кўряпмиз. Лекин мақсадга эришиш учун қатор масалаларни ҳал қилиш керак бўлади. Боғ-роғлар, токзорлар йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Лекин уларнинг тагини юмшатадиган, ишлов берадиган техника йўқ. Кишларнинг томорқаларини ҳайдашда ҳам катта қийинчиликлар туғилмоқда. Мавжуд ҳайдов тракторларидан фойдаланиш қийин. Модомики шундай экан, **бир плугли ҳажми кичик тракторлар ишлаб чиқарилса** мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, дарахтларни дорилайдиган, мева терадиган машиналарни кўпроқ ишлаб чиқариш керак. Чунки, мевалар асосан қўл кучи билан теріб олинмоқда.

Андижон областида яқин 20 минг гектар адир ер ўзлаштирилди. Бу ерларнинг бари насослар ёрдамида суғорилади. Ёмонқирдаги боғ-роғлар, Калинин номли совхоз, «Ленинград», «Ленинизм» колхозларининг адир ва тоғлардаги боғлари ҳам насос билан сув ичади. Республикамизнинг бошқа областларида ҳам насослардан кенг фойдаланилмоқда. Лекин кучли насослар, эҳтиёт қисмлар етишмайди.

Ана шундай қийинчиликдан қутулиш учун **Ўрта Осиёда насос ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган алоҳида завод қуриш** ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Умуман, узумни кўпайтиришнинг яна бир йўли томорқалардаги боғларга эътиборни кучайтиришдир. Томорқасидан олма, узум ололмаётган хонадонлар кўп. Чунки, улар ҳашаротга қарши курашиш имкониятига эга эмаслар, химикатлар йўқ. Шунинг учун **ҳар бир хўжаликда шахсий боғларни уйма-уй юриб дорилаб берадиган отряд тузилса** ёмон бўлмасди.

Бир хўжалик боғлан фойда олса, иккинчиси зарар кўрмоқда. Сабаб: боғлар қаровсиз, тарқоқ. Бизнингча, **боғларни марказлаштириш керак. Мевали дарахтларга шакл бериш, парваришлаш, озиқлантириш, суғориш, дорилашга бағишланган семинарлар ўтказиб туриш керак.** Шундагина боғлар — бойлигимиз манбаига айланади.

Комбинатимиз коллективи янги беш йилликда социал-иқтисодий ривожланишнинг Асосий йўналишлари лойиҳаси асосида иш олиб бориб, ютуқларни мустаҳкамлайди. Ҳозир қишки талбирларни намунали ўтказяпмиз. Боғларда иш қизғин. Мевали дарахтларга шакл берялмиз, бутаяпмиз, ортиқча шохларини олиб ташлаяпмиз. Яхоб суви беришни кучайтиряпмиз. Айни пайтда кўчат ўтказяпмиз. 100 минг туп олма, бехи, шафтоли кўчати, 200 минг туп узум кўчати олиб келиб, эски боғларни яшартиряпмиз. Янги боғлар яратяпмиз.

Комбинатимиз коллективи КПСС XXVI съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб тўёна билан боради. Ҳозир бутун диққат-эътибор шунга қаратилган.

**М. МАДИЕРОВ,**
**Андижон область, Хўжаобод районидаги Киров номли аграр-саноат комбинатининг директори.**

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

## САМАРАДОР ҚУРИЛМА

СССР Енгил саноат министрлигига қарашли Марказий пахта тозалаш саноати илмий-тадқиқот институти ходимлари янги иссиқлик генератори яратдилар. Бу генератор «оқ олтин»ни тозалаш билан боғлиқ ишларда корхоналарда кенг қўлланишга мўлжалланган. У пахта хом ашёсини қуритишда жуда қўл келади.

Янги иссиқлик генератори ўзининг ўтмишдошларидан кескин фарқ қилади. У илгариги қурилмаларга нисбатан ёқилғини кам сарфлайди. Электр энергияси икки баравар камроқ ишлатилади. Қурилманинг фойдали иш коэффициенти 98 процентга етади. Унинг ҳажми ҳам илгариги қурилмалардан ўн баравар кичик. Капитал ремонтсиз анча муддат ишлаш мумкин. Бундай иссиқлик генераторининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши корхонага бир йилда 20 минг сўмлик иқтисодий самара келтириши аниқланди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилаётган бу генератор томошабинларда яхши таассурот қодиряпти.

**Чирчиқ трансформатор заводида ўтган беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажарган зарбдор ишчилар кўп. Улар орасида илғор электр монтажчи Наримон Мажидов ҳам бор. У айни кунларда КПСС XXVI съезди шарафига зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Суратда мусобақа илғори Наримон Мажидов.**

В. Скроткин фотоси.

## ЯХШИ ТАШАББУС

ИШЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ва хизматчилари учун сўнгги йилларда яратилган қулайликлар уларнинг оғирини енгил қилмоқда. Натижада ишчилар кўпроқ дам оладиган ва маданий хордиқ чиқарадиган бўлиб қолдилар. Чунки улар ишдан сўнг рўзғор учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан турли хил буюмларни харид қилиш учун шаҳар магазинларига бориб юрмайдилар. Улар учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси комбинат ва унинг фабрикалари территориясида ташкил этилган магазинларда муҳайё.

Корхоналаги ошхоналарда ярим фабрикат таомлар ҳар доим етарли миқдорда тайёрлаб қўйилмоқда. Комбинатнинг ёрдамчи хўжалиги ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда анча яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Корхонанинг ошхона ва магазинларига бу ердан бутун йил бўйи гўшт, сут, сабзавот ва хўл мевалар келтирилиб ишчиларга сотилаётир.

Ана шу муҳим ишнинг ҳаммасини комбинатнинг ишчилар таъминоти бўлими ўз зиммасига олган. Комбинат касаба союз комитетининг ташаббуси билан бошланиб, ўзининг ижобий натижаларини бераётган бу тадбир ҳаммага маъқул бўлди.

Корхонада ишчилар таъминоти бўлимининг тузилиши коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича тузилган шартнома ва планда ҳам алоҳида назарда тутилган эди. Шунга асосан ҳозир корхонада ошхоналар, миллий таомлар тайёрлайдиган алоҳида павильонлар, озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи алоҳида магазинлар муntазам ишлаб турибди. Зарур маҳсулот ва буюмлар учун буюртма столи ҳам ишчиларга яхши хизмат қилмоқда.

Касаба союз комитети томонидан тузилган махсус комиссия озиқ-овқатларнинг сифатини, хоналарнинг санитария ҳолатини деярли ҳар куни назорат қилиб бориш билан бирга ишчи ва хизматчиларнинг истакларини ўрганиб, улар ҳохишини амалга оширишда яқиндан ёрдам беради.

Касаба союз комитети саноат моллари сотувчи савдо тармоқлари билан яқин алоқа ўрнатган. Комбинат магазинларига эндиликда ноёб саноат моллари тез-тез келтириб турилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда комбинат ишчиларига кўрсатиладиган савдо хизмати яна ҳам яхшиланади. Корхона территориясида янгидан-янги магазинлар ва ошхоналар барпо этилаётир. Навбатда эса турли хил саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишчи ва хизматчиларнинг хонадонларига муntазам етказиб бериш тадбирлари белгиланмоқда.

## ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

**Ўнинчи беш йилликда мамлакат халқ хўжалиги ривожланди. Совет халқи турмуш фаровонлиги юксалди. КПСС XXV съезди белгилаб берган социал программа асосида ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган 31 миллион кишининг иш ҳаки оширилди. Ай**ниқса, соғлиқни сақлаш, алоқа савдо, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари, темир йўл ишчи-хизматчилари, шахтерлар, металлургларнинг иш ҳаки сезиларли даражада ортди. Мамлакатимизда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳаки 1940 йилда 33,1 сўмни ташкил этган бўлса, 1960 йилга келиб 80,6 сўмга, 1980 йилда эса 170 сўмга етди.

Янги беш йиллик Асосий йўналишларида халқ фаровонлигини янада ўстириш йўлида кенг истиқболлар белгиланган. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳакини ошириш юзасидан конкрет вазифалар белгилаб қўйилган. Чунончи, 1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда совет кишиларининг ўртача йиллик иш ҳаки 13—16 процент кўпайтирилади ва унинг даражаси 190—195 сўмга етказилади. Бу, партия ва ҳукуматимизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш юзасидан муттасил кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрлиги шарофатидир.

Лойиҳада **«Ходимларнинг, шу жумладан кам ҳақ олаётган ходимларнинг иш ҳақини ўстириш кўл меҳнатини, паст малакали меҳнатни камайтириш, малакани ошириш, ўриндошлик асосида ва юксак натижаларга эришиш асосида таъминлансин»** дейилган. Бу жуда яхши гап. Меҳнат интизоми бузилиши ва ишчи кучларининг қўнимсизлиги каби жузъий ҳоллар айрим корхоналарда ишлаб чиқариш натижаларига салбий таъсир этаётгани сир эмас. Шу муносабат билан лойиҳада келтирилган юқоридаги сатрлар **«иш ҳакининг корхона ва бирлашмаларда ишчи кучи қўнимсизлигини камайтиришга ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга таъсири кучайтирилсин»** деб тўлдирилиши керак.

**Н. УСМОНОВ,**
**иқтисод фанлари кандидати, доцент.**

СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА

# СЕРҲОСИЛ НАВЛАР ЯРАТАЙЛИК

КПСС XXV съездида мамлакатимизнинг навбатдаги тараққиёт йўли белгиланганида пахтачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилди. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг X беш йилликкa мўлжалланган Асосий йўналишларида 1980 йилда камида тўққиз миллион тонна пахта етиштирилсин,... юқори сифатли тола олинадиган пахтанинг касалликларга чидамли, серҳосил навларини деҳқончиликка жорий этиш тадбирлари амалга оширилсин, деб ёзиб қўйилган. Пахтачилигимиз тараққиётида Ўзбекистоннинг етакчи мавқеи барчага аён. Мамлакатимиз экономикасида серқуёш ўзбек диёрининг ғоят қимматли эҳсони — пахтанинг аҳамияти жуда катта роль ўйнаб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Зеро, Советлар диёрида етиштирилаётган пахтанинг учдан икки қисмини Ўзбекистон бермоқда. Худди шунинг учун ҳам республикамиздаги барча партия ва совет органлари, дала меҳнаткашлари ва илм аҳли диққат-эътибори ана шу қимматбаҳо маҳсулотни кўплаб етиштиришга, Ватанимиз, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидаги асосий бурчимизни ўташга қаратилган.

Ватанимиз пахтачилигини юксалтиришга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг ижодий коллективи баракали ҳисса қўшиб келмоқда. Бизда асосий эътибор пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Бу муаммони ҳал этиш чаноқлар ҳосилдорлигини ошириш, ҳосил элементлари тўкилиб кетишини камайтириш, ғўзанинг касалликка ва зараркунандаларга чидамлилигини ошириш, пахта толаси сифатини яхшилаш, ўғит қўлланиш ва суғоришнинг норма ҳамда муддатларини, тупроққа ишлов бериш усулларини, чигит экиш муддатлари, норма ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда селекция, генетика ва агротехникага оид бошқа қатор мураккаб масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини тақозо этади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олтой йўлланмаси ва Ўзбекистон Компартиясининг XXVI съезди ҳужжатларини амалга ошириш, ғўзанинг ҳосилдорлигини ошириш, ҳосил элементларини тўкилишини камайтириш, ҳосилдорлик ва сифатини ошириш, ер ва сувдан самарали фойдаланиш, ҳосилдорлик ва ҳосилни йиғиштириш, ҳосилни сақлаш ва қайта ишлашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва ишга киритиш, ҳосилдорлик ва ҳосилни ошириш, ер ва сувдан самарали фойдалан

# «КАШМИР ҚЎШИҒИ» БОЛЬШОЙ ТЕАТР САҲНАСИДА

ССР Иттифоқи Большой театри «Афсоналар водийсида» балетини саҳналаштиришга киришди. Янги балет икки ёш — Наргис ва Бамбурнинг чин муҳаббати, ёвузлик ва макр кучларини енгган севги ҳақида ҳикоя қилади. Либреттога Шараф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» қиссаси асос қилиб олинган. Балет музикасини композитор Улуғбек Мусаев басталаган. Большой театр бош балетмейстери, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Юрий Григорович постановкага бадиий раҳбарлик қилмоқда. Постановкачи-режиссёрлар — санъатшунослик кандидати Юламей Скотт ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Юрий Папкодир.

«Афсоналар водийсида» балети ҳозир Тошкентдаги опера ва балет театрида қўйиляпти. Унинг Москвадаги постановкаси кўлами янада каттарок бўлади. Большой театр труппаси ижрочиларининг маҳорати образларни чуқурлаштириш, кўп саҳналарни хореографик жиҳатдан ҳал этиш имконини беради. Марказий ролларни ижро этувчилар орасида машҳур солистлар Людмила Семеняка, Алла Михальченко, Нина Сорокина, Нина Тимофеева, Юрий Владимиров, Александр Богатирев, Борис Акимов, Михаил Габович, Владимир Деревянкоолар бор.

Балет премьерасини 1981 йил майда кўрсатиш мўлжалланяпти.

**Генриэтта РЕПИНСКАЯ,**
АПН мухбири.

Самарали меҳнат қилаётган Заркент сув омбори қурилиши бунёдкорларининг маданий хордиқ чиқаришлари учун ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Яқинда Алишер Навоий номли Наманган область драма ва комедия театрининг бир гуруҳ санъаткорлари сув омбори меҳнаткашлари меҳмони бўлиб, қурувчиларни ҳушнуд этишди.
Х. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

### «СУНЪИЙ БУЙРАК»

Андижон медицина институтининг клиник касалхонасида «сунъий буйрак» аппарати ишлай бошлади. Бу ерда студентлар энг янги медицина техникасидан фойдаланишни ўрганмоқдалар, беморлар энди шу ернинг ўзида самарали даволанишади.

### ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Самарқанд университетининг «Суғдиёна» интернационал дўстлик клуби аъзолари Ужгороддан қайтиб келдилар. Студентларни тарбиялаш тажрибаси ўзаро ўртоқлашиладиган бундай учрашувлар анъана тусини олди. Самарқандликлар ҳар йили ўтказиб турадиган дўстлик фестивалида Украина, Белоруссия Болтиқ бўйи республикалари, Закавказье, Ўрта Осиё олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

### «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

**Республикамиз бўйлаб**

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МУТАХАССИСЛАР

141-ҳунар-техника билим юртининг талабалари техникани баҳорги ишларга тайёрлашга киришдилар. Улар Жалолқудуқ райони хўжаликларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтадилар. Далаларда ва устахоналарда ишлаш бўлажак механизаторларга замонавий машиналарни яхши ўрганиб олишда ёрдам беради. Ўн биринчи беш йилликда районда ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг сони икки баравар кўпаяди.

### МУЗИКА ШИНАВАНДАЛАРИГА

Самарқанд областида биринчи камер оркестри янги йил арафасида самарқандликларга Бах, Гендель, Корелли асарларини совға қилди. Бу оркестр маҳаллий опера ва балет театрида биринчи концертини қўйди. Энди бу ерда классик музика концертлари мунтазам равишда янграб туради. Бундан ташқари санъат мухлислари музика асарларини тинглаш учун махсус абонентларни сотиб олишлари мумкин. Болаларнинг қишки каникул кунларида оркестр уларга бағишланган программа бўйича концерт қўяди.

## СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА



Суратларда: 1. Белоруссия автомобиль заводи коллективи кўплаб автомобиллар ишлаб чиқаряпти. Сиз кўриб турган сурат корхонанинг бош конвейерида олинган. 2. Волгоград областидаги Волжск трубаза заводида халқ хўжалиги учун муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқарилляпти. Бу ерда маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, металлни кўплаб иқтисод қилиш борасида анчагина ишлар амалга оширилляпти. Ишлаб чиқарилаётган ҳар бир трубага давлат Сифат белгиси қўйилляпти. Униничи беш йиллик мобайнида бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг қарийб 50 проценти фахрли беш қиррали белги билан чиқарилляпти. Суратда: корхонанинг тайёр маҳсулотлари.

ТАСС фотохроникаси.

# ВАТАН ШУ ЕРДАН БОШЛАНАДИ

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Планлар. Беш йилликлар. Булар одамларнинг шижоат ва ғайратидан, фидойилиги ва садоқатидан ҳақиқатга, босиб ўтилган шонли йўлга, зафарли довонларга айланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир беш йилликнинг ўз бунёдкорлари, ўз қаҳрамонлари бор.

Ўтган ўнинчи беш йиллик. Бугун у Муборак Рўзиеванинг ҳаёт гирдобида тоблаган, лаёқат ва иродасини обдон синовдан ўтказиб, чархлаган тарих. Меҳнат нашидасини тоттирган, келажак ҳақида ойдин режалар тузишига даъватқор беш йиллик. У ҳали кўп беш йилликларга ўз улушини қўшади, меҳнати қувончлари нашъасини тотади. Униничи беш йиллик эса ҳаётида меҳнат ва бахт шуурининг дебочаси бўлиб қолаверади. Негаки, у шу беш йиллик билан баробар катта ҳаёт йўлига қадам қўйди. Унга ишониб, ўзларига бош қилиб кўтарган одамларнинг паноҳи, меҳр-оқибатларидан сув ичди. Кўпчиликнинг қудрати нималарга қодир эканини ўз ҳаётида таниб кўрди.

Елгиз отнинг чанги чиқмас, чиқса ҳам донги чиқмас, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатдан ҳам одамларсиз, уларнинг кўмагисиз елгиз ўзинг ҳеч кимсан. Ҳа, ҳа, ҳеч кимсан...

Аёл ҳамон хаёллари оғушига ғарқ. У ҳамон бугун ўтган кунга, олтин тарихга айланиб қолган эски йил, ўнинчи беш йиллик хотиралари билан банд. Бу бежиз эмас. Негаки, ўтган йиллар янги беш йилликларга олтин зина, бебаҳо тажриба, ҳаёт сабоги...

Унинг раислик вазифасига тайинланиб, янги иш бошлаган кезлари эди. Область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашига таклиф этиб қолишди. Гарчи хўжаликда ҳали катта йиғинда айтгулик бирор дуруст иш бўлмаса ҳам, раснинг ҳаёлида режалаб қўйган, амалга оширмоқчи бўлган тадбирлари анчагина эди.

— Қизим, колхозингизнинг истиқболини қандай тасаввур этасиз, — деб сўраб қолди обком секретари танаффус пайтида Рўзиева билан сўрашаркан янги раснинг синамоқчи бўлгандай.

— Колхозда ўзлаштиришимиз керак бўлган иккита массивда минг гектар ер бор. Агар шу ерларни изимизга сололсак, колхоз 10 минг тоннага етказиб пахта бериши турган гап.

У ўзи туғилиб ўсган, бирғаликда ишлашган одамларига жуда-жуда ишонганидан улар номидан сўз бериб юборган бўлса-да, андак хижолатда эди: бу гапига колхозчилар нима дейишаркан... Шу суҳбатни у кейинроқ колхоз правлениеси мажлисида гапириб берди.

— Қойил қилибсиз, — дейишди бир овоздан правление аъзолари. Кейин қўриқ ер очиш масаласи хўжалик коммунистлари йиғилишида кўриб чиқилди. Чақириққа комсомол-ёшлар қўшилишди. Чўлга ҳужум бошланиб кетди.

Ҳув деса овози уйдан даласига эшитилиб турадиган колхозчиларни энди чакалакзорлар, қўёшнинг тиғию, ёмғир-қорларнинг аччиқ савашита дош берадиган капалар ва жонга оро кирадиган бийдай далалар ўзига чорлай бошлади. Одамлар бу ерга ҳам ҳаёт уруғини сочдилар ва унинг униб чиқишини орзиқиб кутдилар. Унмаса, яна сочдилар, яна кутдилар... Массив мана шу зайлда бунёд этилди. Ҳа, ернинг чиройи очилди. Лекин бу катта бунёдкорлик ишининг бошланиши эди, холос. Ернинг чиройига чирой кўшадиган, жонига малҳам бўладиган сув керак, сув... Бу эса ҳаммасидан оғирроқ эди. Ҳайҳотдек канал икки қадам нарида оқиб ўтсаю, массив сувсизликдан хансираса, қовжираса... Раис колхознинг тажрибали, кекса одамларини маслаҳатга тўплади. Мироб Б. Шойнев, мактаб директори Э. Ганжиев, пенсионер Очилбобо Бердиев билан бирғаликда массив шароитини синчиклаб ўргандилар. Ниҳоят, унга сув чиқариш йўли топилди. Чўл бўстонга айланди.

Қўриқ ер очишдаги дастлабки тажриба ёш раисга шуни кўрсатдики, агар одам ташаббус бошласа ва бу янгиликнинг истиқболи порлоқ бўлса, одамлар ҳеч қачон қўл қовуштириб қараб турмас экан. Бир киши бошлаган иш кўпчиликнинг ишига айланиб кетаркан. Дастлабки йили гектаридан 17—18 центнердан пахта берган массивда бўлтур ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Икки йилда ҳосилдорлик тенг баравар кўпайди. Бу ҳазилакам гап эмас. Лекин бу ҳали марра ҳам эмас. Ерларнинг мелиоратив ҳолати янада яхшиланса, заҳи қочирилса, шўри ювилаверса, ўғит солиниверса, ернинг қуввати ошади, албатта. Ҳосилдорлик ҳам шунга қараб ўсаверади.

Ҳамма гап шундаки, колхоз раиси М. Рўзиева келажакни олдиндан кўра билди. У сўзининг устидан чиқадиган, ёнига малҳам бўладиган ёвуз ниятлар, ҳаётнинг ўзи ўргатган ҳаётий ҳақиқатлар ҳеч ҳамонда ўзгаришсиз қолмаслиги, ҳаётнинг ўзгариши, ривожланиши, ҳеч тўхтамаслиги, ҳеч ўзгармаслиги, ҳеч ўзгаришсиз қолмаслиги, ҳеч ўзгаришсиз қолмаслиги, ҳеч ўзгаришсиз қолм